SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 29-MART ■ SHANBA ■ 41 (27.061) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ёш иқтидорлар аниқланди

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг замонавий билимларни пухта эгаллаши учун барча зарур шароит яратиб берилаётгани, иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланаётгани туфайли бугунги кунда уларнинг кўпи жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Бу ўринда мактаб ўқувчиларининг истеъдоди ва ижодий қобилияти, уларда ўзлари танлаган фанлар ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш, келажакда касбини тўғри танлашига кўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган фанлар бўйича олимпиадалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкентдаги 1-Педагогика коллежида Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган анъанавий фанлар бўйича олимпиадаларнинг республика босқичи якунланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 508 ўқувчидан 64 нафари 22 фан йўналиши бўйича ғолиб топилди.

Аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ, бу галги мусобақанинг якуний босқичида физика, математика, кимё, биология ва информатика бўйича халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш учун 20 нафар номзод ҳам аниқланди.

Олимпиада ғолиблари олий ўқув юртларига имтиёзли, яъни тест синовларисиз қабул қилинади.

Ҳулкар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири

ЕТТБ анжумани: Матбуот маркази очилди

Май ойи бошида пойтахтимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Мазкур мажлис ҳамда у билан баробар ўтадиган Бизнес-форум туфайли ўша кунлари Тошкент жаҳоннинг молиявий марказига айланади. Зеро, пойтахтимизга олтмиштан зиёд мамлакатдан ҳукумат аъзолари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, молиявий муассасалар, йирик трансмиллий компания ва корпорациялар вакиллари, таниқли сиёсатчилар, ишбилармонлар ва сармоядорлар, жамоат арбоблари ташриф буюради.

Мамлакатимизда бу йирик анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жамоатчилигимиз тайёргарлик ишлари билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб боряпти.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ушбу анжуманга ҳозирлик жараёни ва уни ёритишда журналистлар учун кенг қулайликлар яратиб бериш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги оммавий ахборот воситалари вакилларига ахборот таъминоти борасида ёрдам бериш, тадбирлар тезкор ва муносиб ёритилишини таъминлаш мақсадида Тошкентда ЕТТБ анжуманининг доимий ишловчи Матбуот маркази ташкил этилди. 27 март куни унинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Марказ оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятида қўлланиладиган барча техника воситалари билан таъминланган. Бу ерда журналистлар ўзига керакли ахборотни топиши, тайёрлаши, зарур ҳолда қўшимча маълумот олиши, хордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё. ЕТТБ анжумани ўтиб бўлгунга қадар, мунтазам равишда Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, банк ва бизнес тизимларида фаолият юритувчи масъул шахслар иштирокида матбуот анжумани ўтказиб борилади. Унинг журналистларга яхши таниш бўлган Миллий матбуот маркази биносида жойлашгани яна бир қулайликдир.

Тақдимот маросимига маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари йиғилди. Журналистлар сони одатдаги анжуманлардагидан кўп эди. Бунинг сабаби аён: ЕТТБнинг Тошкент анжуманига қизиқиш Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам катта. Шу муносабат билан, матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев Ўзбекистон демократия тамойилларини ҳурмат қиладиган очиқ мамлакат эканлигини таъкидлаб, журналистлар ўзини қизиқтирган барча саволлар билан шу ерга мурожаат қилиши мумкинлигини айтди.

Матбуот марказининг илк меҳмони эса тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раисининг ўринбосари, мамлакатимиз томонидан ЕТТБнинг бошқарувчиси — Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов бўлди. У учрашув аввалидаёқ Тошкент анжумани нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Бош вазир ўринбосари мамлакатимиз кўпгина халқаро молия ташкилотларга аъзо, лекин ҳамкорлик кўлами бобида улар орасида ЕТТБ етакчилик қилишини қайд этди.

Матбуот анжуманида 25 апрелгача пойтахтдаги таъмирланаётган меҳмонхоналарнинг барчаси хизматга шай ҳолга келтирилиши маълум қилинди. Бу Тошкентда 2500 ўринлик жаҳон андозаларига мос меҳмонхона хўжалиги юзага келади, деган гап. Эътиборли томони шундаки, бу борада чекилаётган харажатлар ҳукумат эмас, хусусий сармоядорларга, 2500 ўриннинг чораги хусусий меҳмонхоналарга тегишлидир.

2-бет

«Халқ дипломатияси»ни фаоллаштириш сари

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Маълумки, дунё сиёсатида турли жараёнлар кечаётган айни пайтда чет мамлакатлар билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, хорижликларни юртимиз тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, анъана ва қадриятлари билан мунтазам таништириб бориш каби масалалар бугунги кунда жамоат ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифадир.

Ҳозирги пайтга келиб Дўстлик жамиятлари Кенгаши қошида 36 та дўстлик жамияти мавжуд бўлиб, турли давлатлардаги 20 дан ортиқ ватандошлар уюшмалари билан биргаликда ўзаро маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш борасида талай ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу ўринда Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти билан дунё жамоатчилигини яқиндан таништириш ҳамда ташкилот фаолиятининг мезони ҳисобланган халқ дипломатиясини тобора фаоллаштиришда Кенгашнинг бажарадиган ишлари талайгина.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Дўстлик жамиятлари Кенгашининг ўрни ва ролини ошириш, айни пайтда соҳада қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида тўхталди. Қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов қатнашди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ислоҳотларни чуқурлаштириш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришга қаратилган ва 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорларининг ижроси билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантирилаётган 177 хўжаликда фермер хўжаликлари ташкил этиладиган ер майдонлари харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди. Жойларда хўжаликларни деҳқон ва фермерларга бўлиб бериш бўйича ҳудудий комиссиялар тузилган.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммо, хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига зарур инфратузилма яратиб бериш тадбирларини тезлаштириш, шартномалар тузишга ёрдам бериш, деҳқон ва фермер хўжаликларини етарлича кредит маблағлари билан таъминлаш борасидаги ишларни тўғри ташкил этиш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бозордаги болалар

УЛАРНИ БОЗОРЛАРГА КИМ, НИМА ЕТАКЛАБ КЕЛЯПТИ? БУГУН АЙНИ ПУХТА БИЛИМ ОЛИШИ, ҲУНАР ЎРГАНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН БУ БОЛАЛАР БОЗОРЛАРДА УМРИНИ ЎТКАЗСА, ЭРТАГА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?..

Қайси бозорга кирманг, катталар билан бирга болаларни учратасиз. Кичик бозорчаю бекатларда ҳам болалар савдо қилаётганини кўрасиз. «Бозорчи болалар» деган ибора хаёлга келади, кўнгилга ғашлик чўкади. Аллақандай дард, ташвишни ҳис этасан, киши.

Бу болалар нега дарс қилиш, китоб ўқиш, тил ўрганиш, спорт тўгарагига қатнаш ўрнига бозорда нон, писта, қурт, сигарета... сотиб ўтиришибди? Уларнинг кўнглида, хаёлида нима гап?

Наманган вилояти бозорларини айланамиз. Улар билан фақат «харидор» сифатида гаплашиш мумкин, акс ҳолда саволга жавоб беришмайди.

Шаҳарнинг «Чорсу» бозори. Кўҳликкина қизча пайпоқ сотяпти. Тили бурро, ўтган-кетганни чорлайди:

— Пайпоқдан олинг, роса яхши. Пули 400 сўм. Камитиб бераман.

Савдолашиб туриб исми Сайёралиги, 4-синфда ўқишини билиб оламиз. Бошқа саволларга жавоб бергиси келмайди. Хавотирланиб бизга қарайди.

Отабек 5-синфда ўқиркан. Бозорда арава тортади. «Нега мактабга бормай, бозорда юрибсан?» деган саволимизга:

— Ота-онамга кўмаклашаяпман, — дейди у.

— Ўқиш, дарслар нима бўлаяпти?

— Уларга ҳам улгурамиз...

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Ҳали ўйлаб кўрмаганман...

— Кунига қанча пул топасан?

— 1000-1500...

Кунига 1000-1500 сўм... Бир ойда 30-35 минг. Ҳар ҳолда бир оилага мадор... Аммо бу пул эвазига боланинг умри ўтаяпти-ку. Бугун топаётган шу арзимас пул ҳисобига бола келажагини йўқотмаяптими?..

— Ота-онанг нима иш қилади, — сўрайман ундан.

— Дадам шофёр, онам уйда.

Ўзини Аъзамжон дея таништирган болакай бир кунда 2000-2500 сўм пул ишларкан. Унинг ҳам ота-онаси бор.

— Исмим Умида, — дейди яна бир қизалоқ. — Бозорга фақат мактабдан кейин чиқаман. Ўзим 49-мактабнинг 8-синфида ўқияпман. Бизда дарслар чуқурлаштириб ўтилади. Аъло баҳога ўқийман. Онам қийналмасинлар, деб бугун келдим. Келажакдаги орзуим инглиз тили ўқитувчиси бўлиш.

Сигарета сотиб юрган Дониёр саволларимизга хомуш жавоб берди:

— Мактабдан чиқиб кетганман...

— Нега?

У ерга қарайди. Боланинг юзида аллақандай ғам борлиги сезилиб турибди. Лекин айтолмайди. Нега айтсин, кўчада тўғри келган одамга гапиравермайди-ку. Лекин, бизнингча, мактаб раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари, милиция участка нозирлари, керак бўлса, халқ таълими туман, шаҳар раҳбарлари болалар дарди, ташвиши билан қизиқишлари зарур.

2-бет

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Дивиденд акциядорники, аммо...»

Бухоро вилоят прокуратураси маҳкамасида «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 15 февраль сонида чоп этилган «Дивиденд акциядорники, аммо...» сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Мақолада қайд этилган «Ғиждувон пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятида 2001 йил якунлари бўйича ўтказилган аудиторлик текширувида завод йилни 194743 минг сўм соф фойда билан якунлаганлиги маълум бўлди. Лекин 2002 йил сентябрда пахта заводида координация бўйича ўтказилган текширишда 93 млн. 68 минг сўм солиқ яширилганлиги аниқланиб, 2001 йил фойдаси ҳисобидан ундириб олинган ҳамда қўшимча ҳисобланган солиқлар эвазига заводнинг қарзи 413 млн. 885 минг сўмни ташкил этган. Мазкур ҳолат юзасидан 2002 йил 25 декабрь куни ЎзР. ЖКнинг 184-моддаси, 3-қисми, 205-моддаси, 2-қисми, 167-моддаси, 2-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ушбу жиноят иши юзасидан ҳозир «Ғиждувон пахта тозалаш заводи»да тафтиш ўтказилмоқда. Ушбу тафтиш давомида заводнинг соф фойдаси ва шу фойда юзасидан дивидендлар суммаси аниқланиб, тегишли чоралар кўрилиши таъминланади.

Бухоро вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси
Ш. МУҲАМЕДОВ

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда
BUSINESS BANK

КУРАШ

Президент соврини кимга насиб этади?

Шу йил 4-5 апрель кунлари Термиз шаҳрида Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир бўлиб ўтади

Тобора нуфузи ошиб бораётган мазкур турнирда йигирмадан ортиқ давлатдан икки юз нафардан зиёд полвон қатнашиши кутилмоқда. Ғолиблар 60, 66, 73, 81, 90, 100 кг. ва мутлақ вазн тоифалари бўйича аниқланади. Мусобақага Карлос Ханорато (Бразилия), Павел Малаванец (Польша), Селим Татар ўғли (Туркия) сингари кўплаб номдор курашчиларнинг ташриф буюраётганлиги эса беллашувлар ҳар қачонгидан-да қизғин ва муросасиз ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Кеча Тошкент аэропортида Эрон спорт делегацияси мамлакатимиз кураш мутахассислари, мусобақа ташкилотчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан кутиб олинди.

— Мусобақада мамлакатимизнинг энг сара полвонлари гиламга чиқишади, — дейди делегация раҳбари, Осиё кураш конфедерацияси ҳакамлар кенгаши директори Муҳаммад Ризо Носирий. — Ишонаманки, Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Али Ризо Саноий (90 кг.) турнирда фақат ғолиблик учун курашади. Бундай йирик мусобақада илк бор иштирок этаётган йигирма икки ёшли Саид Хасравинежад (140 кг.)ни ҳам мутлақ вазн тоифасида Президент соврини — «Нексия» автомобилини қўлга киритиш учун асосий даъвогарлардан бири, деб биламан. Шунингдек, делегациямиз таркибида кураш фидойилари — Эрон ҳарбий академиясининг бир неча хизматчилари бор. Улар турнирни кузатиш билан бирга ўн беш кун давомида Халқаро Кураш институтида кураш қоидаларини ўрганишади. Чунки мамлакатимиз кураш федерацияси келгусида бу спорт турини Эрон ҳарбий аскарларига чуқурроқ ўргатишни ва янада оммалаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Эркин ХОЛБОБО

ЕТТБ анжумани: Матбуот маркази очилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дунёда ҳар қандай йирик, нуфузли тадбирга мезбонлик қилиш ҳуқуқи кучли рақобат орқали қўлга киритилади. Олимпия ўйинлари, бошқа йирик спорт мусобақалари қаторида, молиявий соҳага оид катта тадбирлар ҳам шулар жумласидандир. Бир мисолни келтириб ўтиш ўринли бўлади: ЕТТБнинг йиллик мажлисини ўтказишда бир анъана бор эди. Бир йили у Банк қароргоҳи жойлашган Лондонда, кейинги йили эса Банк фаолият юритадиган бирор бошқа мамлакатда ўтказиларди. Ўтган йилги мажлис Бухарестда бўлди. Демак, бу йил яна Лондоннинг навбати эди. Лекин мажлисга Тошкент мезбонлик қиладиган бўлди. Шу мисолнинг ўзи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи нечоғли ортиб бораётгани, мамлакатимиздаги ислоҳотлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидан яна бир далолатдир. ЕТТБнинг йиллик анжумани илк бор Осиё қитъасида ўтказилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Бу халқаро анжуман ҳақида гап кетар экан, ЕТТБ ва унинг мақсад ҳамда вазифалари тўғрисида тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Ушбу йирик халқаро молиявий муассасани тузиш ҳақидаги битим 1990 йил 29 май куни Парижда имзоланган. Битим 1991 йилнинг 28 мартида кучга кирди. Ўша йили 15-17 апрель кунлари Лондонда ЕТТБнинг биринчи мажлиси бўлди.

90-йиллар бошида мустақилликка эришган мамлакатлар янги иқтисодий тизимни юзага келтириш, хусусий секторни яратиш, қарор топтириш ва мустаҳкамлаш учун ёрдамга эҳтиёж сезарди. ЕТТБ вазифалари доирасида ана шу ёрдам ҳам бор. Ҳозирги кунда Марказий Европадан Марказий Осиёгача бўлган улкан ҳудуддаги 27 давлат ушбу банкнинг сармоя воситаларидан фойдаланмоқда.

ЕТТБ мана шу минтақадаги энг катта сармоядорлардан ҳисобланади. У фақат ўз воситалари ҳисобига кредит ажратиш билан чекланмайди, катта миқдорда сармоя ҳам жалб қилади. Унинг акциядорлари аъзо давлатлар бўлса-да, сармояси тижорий шериклар билан ҳамкорликда асосан хусусий корхоналарга йўналтирилади. Шунингдек, хусусийлаштириш ва қайта ташкиллаштиришга ёрдам кўрсатиш учун давлат корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Коммунал хўжаликни такомиллаштиришга кўмаклашади.

ЕТТБнинг акциялари 60 мамлакат ва иккита халқаро ташкилот (Европа ҳамжамияти ва Европа сармоя банки) қўлида. Ўзбекистон 1992 йилнинг апрелида унга аъзо бўлган. ЕТТБнинг нуфузини шундан билиш мумкинки, номи «Европа» сўзи билан бошланишига қарамай, АҚШ, Канада, Япония, Янги Зеландия, Миср каби мамлакатлар ҳам унинг акциядорлари сафидан жой олган. Банкнинг молиявий негизи 20 миллиард евро ни ташкил этади. ЕТТБ молия воситаларининг қудрати ва унинг оқил стратегиясини Standard & Poor ва Moody's рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори баҳо билан тасдиқлаш мумкин.

ЕТТБ мажлисининг минтақавий аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Банкнинг стратегиясида «Шарққа йўналиш» деган тушунча ётади. У 90-йиллар бошларида «Шарқий блок» деб аталувчи Шарқий Европа мамлакатларига катта ёрдам кўрсатди. Ҳозир бу мамлакатларга сармоя оқими анча кенгайган ва уларнинг аксарияти Европа Иттифоқига қўшилиш арафасида турибди. ЕТТБ эса шу муносабат билан Кавказ ва Марказий Осиёга ёрдамни кучайтириш ниятида.

Тошкент анжумани доирасида ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг мажлиси ва Бизнес-форум қаторида бир қанча семинарлар ҳам ташкил этилади. Бу семинарларда минтақавий интеграцияни ривожлантириш, сармоялар оқимини кенгайтириш мақсадида турли мамлакатлар иқтисодий имкониятларининг тақдимоти бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита маълумотларига кўра, Тошкентга келиши кутилаётган 2 мингдан зиёд меҳмоннинг 1200 нафари сармоядор. Уларнинг барчаси юртимизда бизнес очиш учун мавжуд имкониятлар, яратилган қулайликлар, хуллас барча шарт-шароитни ўз кўзи билан кўриш иштиёқида. Шуни таъкидлаш жоизки, одатда ЕТТБ анжумани ташкил этилган жойда, тадбир ўтганидан кейин, сармоя ҳажми ортиши кузатилади. Демак, янги фойдали лойиҳалар тузилиши, самарали шартномалар имзоланишига йўл очилмоқда.

Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлигига келганда, қуйидаги жиҳатни алоҳида таъкидлаш мумкин. Аввало, икки томонлама мулоқотлар Банкнинг ўзида Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш катта эканлигини кўрсатмоқда. Марказий Осиё унинг стратегиясида муҳим ўрин тутади, Ўзбекистон эса бу йўналишда марказий ўринга қўйилган.

Мамлакатимизнинг ЕТТБ билан ҳамкорликдан манфаатдорлиги изоҳталаб гап эмас. Ўзбекистон бу ҳамкорликдан мамнунлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Чунки ЕТТБ ҳар бир мамлакатга алоҳида ёндашади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасида юртимиздаги иқтисодий шарт-шароит, иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда иш юритмоқда.

Шу кунгача Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида 7 лойиҳа амалга оширилди, яна 13 лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Уларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирги кунда жами 320 миллион долларлик яна 8 лойиҳа тайёрланмоқда. Яқинда тасдиқланган янги стратегияга мувофиқ, ЕТТБ Ўзбекистон билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда молия соҳасини ривожлантириш, банкларни хусусийлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиради. Албатта, булар баробарида бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, халқ хўжалиги тармоқларини ислоҳ этиш, ишлаб чиқариш иншоотларини замонавийлаштириш йўлидаги ишлар, атроф-муҳит муҳофазасига доир операциялар давом эттирилади. Хусусийлаштириш жараёнига сармоя жалб қилиш масаласи ҳам ЕТТБ эътиборида. Булардан ташқари, ЕТТБ молия муассасаларини мустаҳкамлаш, бу соҳада рақобатни ривожлантириш, транспорт коммуникациялари ва алоқа соҳасини такомиллаштиришда қатнашади.

Банк тарқатган расмий маълумотларда айтилишича, у Ўзбекистонга самарали ёрдам кўрсатиш борасида умумий қарашларни ишлаб чиқиш учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки каби муассасалар билан мулоқотни давом эттиради.

Тошкентнинг ЕТТБ анжуманига мезбонлик қилиши Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги нуфузи, улкан иқтисодий салоҳияти, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганидан, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик дунё эътиборида турганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Тармоқда

Ўзбекистон мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ривожида беқиёс ўзгаришларни амалга оширди. Республикада экологиянинг бузилиши ва Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бўлган — пахта яккаҳокимлигига чек қўйилди. Ғаллачиликка алоҳида эътибор берилиб, мамлакат ғалла хирмони 1991 йилда 940 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 5 миллион 400 минг тоннага етди. Ҳолбуки, собиқ шўро даврида донга бўлган эҳтиёжимизнинг 80 фоизини ташқаридан олиб келардик. Мамлакатда дон мустақиллиги таъминланди.

Энг муҳими, тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мутлақо янги, жаҳон андозаларига мос ва халқимизнинг менталитетига монанд ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборат янги модели яратилди. Қишлоқда мулкдорлар синфи юзага кела бошлади.

Шу маънода, Президентимиз имзо чеккан янги Фармон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бутунлай янги босқичини бошлаб берувчи муҳим, тарихий ҳужжатдир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Одил ОЛИМЖОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Одил Олимович, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишда эволюционтадрижий йўлни танлади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам шу йўлдан бораяпмиз. Юртбошимизнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак» деган қанотли ибораси асосида ишлаб, шубҳасиз, катта муваффақиятларни қўлга киритаяпмиз. Аралаш мулкчиликка асосланган замонавий қишлоқ хўжалиги пойдевори вужудга келди. Лекин бугунги шароит деҳқон меҳнатининг самарадорлигини янада ошириш учун унинг ерга хусусий мулк сифатида қарашига ҳуқуқий асос яратиш, яъни мустақиллигини янада кучайтиришни ҳам тақозо этмоқда. Шундай эмасми?

— Шубҳасиз, шундай. Қабул қилинган янги Фармон ҳам айни ана шу талаблар асосида юзага келди. У мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берувчи ғоят муҳим ҳужжат бўлиб қолади.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида мулк эгаларини шакллантириш вазифаси ҳали тўлалигича ҳал этилгани йўқ. Жойларда бу иш хўжакўрсинга амалга оширилаётганлиги, аслида хўжаликларга раҳбарлик эски буйруқбозлик усулида давом этаётганлиги ҳам сир эмас. Қолаверса, қишлоқ хўжалигига хизмат қилиши керак бўлган, ўз номи билан хизмат кўрсатиш соҳаси деб аталган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғит ва турли эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи корхоналар ширкат ва фермер хўжаликларига хизмат қилиш ўрнига ўзларига қулай шарт-шароитлар яратган ҳолда мижозларни қийин аҳволга солиб қўя бошладилар. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бошқармалари эса ширкат ҳамда фермер хўжаликларининг эркин фаолиятини таъминлаш ўрнига айрим ҳолларда буйруқбозлик ва тақсимот функциялари билан шуғулланмоқдалар. Баъзан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вилоят ва туман бошқармаларида вазифалар бир-биридан аниқ ажратиб олинмаган.

Янги Фармон қишлоқ хўжалигидаги мана шу камчиликларни бартараф этишга ҳам қаратилган. Унга биноан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги босқичида фермерчиликни ривожлантириш асосий, устувор йўналиш қилиб белгиланди. Яъни бундан буён фермер Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий фигурага айланади. Шу кунгача фермерга ажратиб берилган ер ўн йилдан кам бўлмаган ва 50 йилгача бўлган муддат билан бериларди. Лекин шу даврда фермер фермерчиликдан бош тортса (вафот этса ёки...) ўрнига фермер хўжалиги аъзоларидан бошқа бири сайланиши мумкин эди. **Эндиликда фермер хўжаликлари ҳақидаги мавжуд қонунчиликдаги бу банд бекор қилинди. Фермер қўл остида ишлашни истовчилар билан хусусий мулк эгаси сифатида — ёлланма меҳнатчини ишга ёллаётган мулкдор сифатида шартнома асосида боғланишнигина таклиф этади, ўз мол-мулкини хоҳлаган кишисига, истаса фарзандига қолдириш ҳуқуқига эга бўлди.** Бу жуда ҳам катта ўзгариш. Бундан ташқари баъзи жойларда ширкат хўжаликлари экин майдонларининг бир қисми фермер хўжалиги сифатида амал қилиб келаётган эди. **Энди бу ерлар ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилади. Юридик шахс сифатида фермер хўжаликларига айлантирилади. Фермерлар ўз меҳнатлари натижаларини, шу жумладан, етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли молмулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар.**

Аслида шу вақтгача ҳам хўжаликларда фермер шартнома асосида шундай ҳуқуққа эга, деб қайд этардик. Лекин уни тўлақонли амалга оширишнинг имконияти бўлмади. Бундан ташқари фермер моддий воситалар — ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар ҳамда уруғликларни кўпинча ширкат хўжалиги орқали оларди. **Эндиликда у ўзига зарур бўлган моддий-техник воситаларни мустақил юридик шахс сифатида истаган жойдан сотиб олиб, фаолият юритади.**

Шу пайтгача фермер ва фермер хўжалиги аъзолари деган тушунча бор эди. **Янги Фармон бўйича бу тушунча ҳам ўзгартирилиб, фермер ва ёлланма ходим деган тушунча киритилди. Фермер ўзи ёллаган барча ходимлар, шу жумладан, ўз оила аъзолари билан ҳам шартнома асосида ишлайди.** Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил можаролар келиб чиқишининг олдини олиш учун шундай тартиб жорий қилинди.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Инсофсизга эрк берсанг

Ҳам хўрдани уради, ҳам бурдани, деганлари рост

Йўқса, Дилмурод Ражабов ўз нафси бандасига айланиб, бугун қилмишидан пушаймонда қолмасди. Учар тадбиркор текин луқмаларни ҳазм қилолмади...

У Навоий шаҳрининг энг гавжум жойларидан бири — «Ёшлик» кафесида сотувчилик қиларди. Кунига «сув»дек оқиб келаётган даромадлардан эси оғиб қолди. Фикру хаёлини жарақ-жарақ пуллар ўғирлади... Тадбиркорликнинг ноқонуний йўлларига ўтди. Давлат кассаси билан шахсий «касса»нинг фарқига бормади. Кунлик тушумлар кўпроқ чўнтакка тушиб кетаверди. Баҳона — кафеда касса аппаратининг йўқлиги эди...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 280-қарори ижроси бўйича шу йил январь ойида ўтказилган текширишда унинг барча хуфиёна ишлари очилиб қолди. Бу ҳам етмагандек, хўрандаларга хизмат кўрсатаётган 8 стол (32 та ўринни) рўйхатга олдирмай, улардан яширинча фойдаланиб келганлиги ҳам аниқланди. Оқибат шу бўлдики, у бу қилмишлари учун авалига 90700 сўм жарима билан «сийланган»ди. Хўрандаларга хизмат кўрсатишда бекитилиб келинган 32 та ўринни сир тутганлиги учун яна 696576 сўм молиявий жаримага ҳам тортилди. Хуллас, давлат хазинасига ҳаммаси бўлиб — 787276 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Шаҳарнинг Халқлар дўстлиги кўчаси, 96-уй ёнида жойлашган кафе сотувчиси Рустам Раҳимов ҳам унча-бунча луқмаларни бемалол ҳазм қилиб юрганди, текширишда «шап» этиб ушланди. Ўша куни унинг 775 сўм савдо пулини назорат-касса аппаратига уришни унутиб, 28 та ўринни солиқдан яшириб келганлиги ҳам фош бўлди. Чўнтагидан накд 70 минг 474 сўм жарима ундириб олинди.

Шаҳар марказий деҳқон бозори ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Ehab» савдо фирмасига қарашли савдо дўкони сотувчиси Алишер Қосимов улардан қолишмади. У чўнтагини назорат-касса машинасига «айлантириб» олган экан. Боз устига дўконда сифат сертификати бўлмаган маҳсулот сотилиб келинаётганди. Текшириш куни дўконда кирим ҳужжатлари ва сифат сертификати йўқ 117 килограмм пахта ёғи сақланаётганлиги аниқланди. 578,9 минг сўмлик жарима-ку тўланар, лекин тўпланган материаллар судга оширилди-да...

«Алико-2000» фирмасига қарашли вино дўкони сотувчиси Ўктам Мавлонов инсофни ҳам, қонунни ҳам унутганди. Савдо тушумлари кимнинг киссасига кирганлиги аён. Кирим ҳужжатлари бўлмаган 3,5 тонна — 1575,0 минг сўмлик вино пули назорат-касса машинаси ўрнатилмаган дўконда «қаерга» тушганини фаҳмлаш қийин эмас. Натижада бу фирма ҳам 474,3 минг сўм молиявий жаримани тўлаб, раҳбарларини эса вилоят прокуратурасига кузатиб қўйди.

Шуларни айтсалар керак-да «текинхўрга эрк берсанг ҳам хўрдани, ҳам бурдани уради» деб.

Неъмат БЎРОНОВ,
Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи,
Абдумутал НОРБОЕВ,
журналист.

Суд ислоҳоти ва матбуот

Мамлакатимизда суд, ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу ўз навбатида оммавий ахборот воситалари олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Айниқса, ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистларни ихтисослаштириш, матбуотда ёритилаётган масалаларга қонун нуқтаи назаридан ёндашиш ниҳоятда муҳимдир. Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтган «Суд, ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммо ва ечимлар» мавзуидаги минтақавий илмий-амалий конференцияда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган матбуот ходимлари иштирок этишди.

Конференцияда республика Конституциявий судининг судьяси У.Бозоров, республика бош прокуратураси ўқув маркази раҳбари Э.Абзалов, Ўзбекистон Олий Судининг судьяси Ҳ.Ҳасанов, Олий хўжалик суди бўлим бошлиғи М.Исомов ва бошқа сўзга чиққанлар суд, ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига етказиш, ошкоралик, ахборотлар ҳаққонийлиги, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва бошқа масалалар хусусида тўхталдилар. Савол-жавоблар бўлди.

Конференцияни Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳакимов бошқарди.

Юнус УЗОҚОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бозордаги болалар

УЛАРНИ БОЗОРЛАРГА КИМ, НИМА ЕТАКЛАБ КЕЛЯПТИ? БУГУН АЙНИ ПУХТА БИЛИМ ОЛИШИ, ҲУНАР ЎРГАНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН БУ БОЛАЛАР БОЗОРЛАРДА УМРИНИ ЎТКАЗСА, ЭРТАГА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?..

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дониёр билан бўлган суҳбатимизни кузатган чоғи, кўҳликкина қизалоқ чақириб, гап бошлади:

— Исмим Дилбар, бу йил мактабни битираман. Ота-онам мактабда ўқишимни хоҳлашмади. Айтишларича, мактабдан фойда йўқ. Мен ҳам дугоналаримга ўхшаб ўқигим келади...

Ўн олти ёшлардаги бола минерал сув сотиб ўтирибди. Исми Абдурахмон.

— Болалигимдан бозордаман. Мактабдан чиқиб кетганман. Ота-онам индашмайди. Пул топиб борсам уришмайди-да.

— Ока, юкингиз борми? Озонга эткизиб бераман...

«Сардоба» бозори кираверишида жуссаси кичкина бола аравачасини судраб олдимизга чиқди. 5-синфда ўқишини айтади.

— Кунига қанчадан пул топасан?

— 600 сўмдан 1000 сўмгача. Баъзида 3000 сўм ҳам.

— Ўқитувчиларинг нима дейишади?

— Эҳтиёт бўлина, дейишадида.

— Ота-онанг-чи?

— Бозорга чиққанимга икки ойча бўлди, холос. Дадам велосипед тузатадилар. Абам Тожибоева Мунаввархон булка цехида ишлайдила.

— Пулингни уларга берсанг хурсанд бўлишадими?

— Ҳа, у куни байрамда 800 сўмлик гул, атир, совға олиб борсам йиғлаб юбордила...

Бу болалар кўнглида ёмонлик йўқ, бозорда юрганларини оилага ёрдам деб ҳисоблашади. Тўғри, иқтисодий муҳтож оилалар, қаровчисиз қолганлар бор. Аммо ота-она ишлаб турган жойда боланинг ёрдам пулидан воз кечилса бўлмасмикин? Ота-она озгина қийналиб бўлса-да боласини ўқитса, ҳунар ўргатса, тил ўргатса, келажакда бунинг роҳатини кўришади-ку.

— Нон сотаётган болалар билан суҳбатлашишга ўтамиз. Уларни катта ёшлилар гапиришга қўймайди: — Биззи шогирд, илтимос, ҳозир чалғитманг, нонга харидор келиб турибди. Ўғирлик ё жиноят эмас-ку...

Ота-оналар-чи? Улар нима дейишади:

— Аюбхон Иномов бўламан, икки ўғлим бор, иккови ҳам ёрдамлашади. Нима, савдо айб ишми? Тирикчиликнинг айби йўқ, деб мен айтмаганман-ку...

«Чорсу» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳамидхон Абдуллаевнинг фикрлари қуйидагича:

— Бозорга болаларни киритмасликнинг сира иложи бўлмаяпти. Бугун тирикчилик, рўзғор, дейиляпти-ю уларнинг эртаси нима бўларкин-да... Ички ишлар бўлимининг болалар инспекторлари билан бирга 50 та аравани тортиб олиб қўйдик. Шу тариқа болаларнинг ота-оналарини йиғдик. Фикрлашдик. Бозорга қайтиб кирмаслик ваъдаси билан кетишди. Назаримда болалар билан ишлашда биз катталарда ҳамкорлик етишмаяпти.

— Вилоятимиз бўйича 15 та йирик бозорлар қошида таянч пунктларимиз бор, — дейди вилоят солиқ бошқармасининг қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи муовини Орифжон Мирзабоев. — Уларда вояга етмаганлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Импорт товарлар сотишни тартибга солиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори бўйича ўтган давр мобайнида вояга етмаганлар билан ушланган тақиқланган товарлар 319,6 минг сўмликни ташкил этди.

Нима қилиш керак, деган савол бизни ҳам ташвишлантиради. Бир ечимини топиш керак...

Наманган педагогика коллежи ўқитувчиси Орифжон Азизов фикрича, ўқитувчилар масъулиятини ошириш керак. Иккинчидан эса худди коллежлардагига ўхшаб мактабларга ҳам эътибор зарур.

Кўплаб ота-оналар эса боланинг ёшлигида меҳнатга ўрганган дуруст, деб ҳисоблайдилар. Бунга эътироз бўлиши мумкин эмас. Бола дам олиш кунлари, таътил пайтида томорқа, боғ, уй-жой, мол-ҳолга қарашиши ёки ҳунармандлар ёнида икки-уч соат ёрдамчилик қилиши мумкин. Лекин ҳар куни кун бўйи ёки дарсдан кейин кечгача бозорда ишлаши болани ўқишдан узиб қўяди-ку.

Наманган шаҳар «Меҳнатобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ю. Зокиров:

— Тўғри, тан олишимиз керак, баъзан вояга етмаган болалар меҳнатини суиистеъмол қилмоқдамиз. Аввало ота-она айби билан. Болаларни эртадан кечгача ишлатиш уни болалигидан маҳрум қилади. Энг ачинарлиси унинг келажагига хиёнат қилинаяпти.

Чортоқ шаҳридаги автомобиль созлаш шаҳобчаси раҳбари, Хуснидин Мамажонов муаммога ўз муносабатини қуйидагича билдиради:

— Ҳозир нима кўп — устахона кўп. Шогирдлик йўли билан кўп болани ҳаётга тайёрлаш мумкин. Ҳозир биргина бизнинг устахонада етти нафар йигит ҳунар ўрганяпти. Уларнинг ҳаммаси мактабда ўқиётган пайтдан шогирдликка келган. Икки нафари таппа-тайёр уста. Бемалол мустақил иш юритиши мумкин. Болаларга ҳунар ўргатиш ёки енгил ишларга жалб қилишнинг меъёри бўлиши керак. Бола дарс қилишига вақт қолиши керак.

Бозорда бугун болалар кўп, улар билан боғлиқ савдолар улардан-да кўп. Уларни бозорга ким, нима етаклаб келяпти? Оила боланинг пулига шунчалик муҳтожми? Бугун айни ўқиши, ҳунар ўрганиши керак бўлган болалар бозорларда аравача судраб юрса, қурт, сақич, сигарет сотиб ўтирса, уларнинг тақдири эртага нима бўлади? Улар эртага ким бўлади, қаерда ишлайди, ўз оиласи, бола-чақасини қандай боқади? Агар бозорчи болалар кўпайгандан кўпайиб бораверса, эртага миллат нуфузи, тақдири нима бўлади? Яна бир масала кишини ташвишга солади. «Юкингизни қаерга элтиб берай, ака» деб эланиб турган, кўзи олма-кесак териб, беш-ўн сўм илинжида ўтган-кетганга «нима хизматингиз бор, ака» деб ялтоқланаётган бу болалар эртага ким бўлади? Қандай фуқаро бўлади?

Саволлар кўп, уларга бирданига жавоб бериш қийин. Олдин яхшилаб ўйлаш керак, кўпчилик бўлиб ўйлаш керак чоғи...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
журналист,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кўргазмада — озиқ-овқат маҳсулотлари

Японияда «FoodEX Japan — 2003» 28 халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Етмишдан зиёд давлатнинг 2250 фирма ва компаниялари иштирок этган ушбу кўргазма Кунчиқар мамлакатининг бошқарув, меҳмонхона ҳамда сайёҳлик уюшмалари томонидан ташкил этилган эди.

Ҳар йили ўтказиладиган мазкур анжуман ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотлари ўртасида амалий ҳамкорликни ўрнатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни нафақат Осиё-Тинч океани минтақасида, балки бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалиши учун қулай имконият яратади.

Кўргазмада мамлакатимиз озиқ-овқат саноати имкониятлари «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзбекбирлашув» ҳиссадорлик компанияси, «Ўзнонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик компанияси, «Сертификат нон» ҳиссадорлик компанияси, «Ўзматлуботсавдо» компаниялари томонидан намойиш этилди.

Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ижрочи вице-президенти М.Иритани Ўзбекистон расталарини томоша қилар экан, мамлакатимиз вакилларига мазкур нуфузли анжуманда иштироки учун миннатдорлик билдирди.

«Жаҳон» АА

Мақсад — амалий иш кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида Жаҳон Кредит Иттифоқи Кенгаши (WOCCU) президенти Артур Арнольд бошчилигидаги кенгаш ва Орегон штати (АҚШ) кредит иттифоқлари уюшмаси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда республикада банкдан ташқари молия институтлари тизимини яратишга катта аҳамият берилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўтган йили Олий Мажлис томонидан «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қабул қилинганлиги айни муддао бўлган эди. Мазкур қонун бундай уюшмаларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳуқуқий меъёрларни белгилаб берди.

Шунингдек, учрашувда А.Арнольд шу кунгача Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бешта кредит уюшмаси қониқарли иш олиб бораётганига тўхталди.

Ташриф доирасида Бухоро, Самарқанд ва Наманганда яна учта кредит уюшмаси очилди. Мазкур уюшмаларнинг асосий мақсади — ўз аъзоларига кредит бериш, пул ресурсларини сафарбар қилиш, консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида уюшмалар фаолиятини бошқаришга жалб этишдир.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

АНЪАНА давом этмоқда

Маълумки, 2002 йилнинг ноябрь ойида Пекинда Хитой коммунистларининг XVI съезди бўлиб ўтганди. Кейинги ўн йилликларда мамлакатда шаклланган анъанага кўра, ёши етмишдан ошган ва анча қариб қолган партия раҳбарлари ўрнига бирмунча ёш сафдошлар сайланди. Жумладан, қарийб 66 миллион аъзоси бўлган ҳукмрон коммунистик партиянинг бош котиби лавозимида ишлаб келган Цзян Цземиннинг ўрнига тўртинчи авлод вакили Ху Цзинтао сайланди. Бироқ ўшанда Цзян Цземинь Хитой Халқ Республикаси раиси ҳамда Марказий Ҳарбий Кенгаш раиси лавозимларида сақланиб қолган эди. Чунки, давлатнинг юқори раҳбарлик тизимига дахлдор бу лавозимларга номзодлар партия съездида эмас, парламент сессиясида кўриб чиқилади. Шунингдек, бош вазир билан парламент раиси ҳам сессияда сайланади.

Ниҳоят, шу йил март ўрталарида бир неча кун давом этган парламент сессиясида давлат тизимидаги юқори мартабали лавозимларда авлод алмашинуви жараёни муваффақиятли якунланди. Энг катта лавозим — Хитой Халқ Республикасининг раиси, халқаро ибора билан айтганда, мамлакат президенти лавозимига коммунистик партия бош котиби Ху Цзинтао сайланди. Кўп вақтдан бери Хитойда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган ва кейинги йилларда парламентга раислик қилган Ли Пэн ўрнини У Банго эгаллади. Банго охирги пайтда ўн йилдан кўпроқ вақт бош вазир ўринбосари лавозимида ишлади.

Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда шу пайтгача бош вазир лавозимида ишлаб келган Чжу Жунцзининг хизмати катта, албатта. Бироқ у ёши ўтиб қолганлиги учун ўз ўрнини олтмиш ёшли сафдошига бўшатиб берди. Ҳозиргача бош вазир ўринбосари сифатида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиб келган Вэнь Цзябо энди бош вазир, яъни Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси бўлди. Мамлакат сиёсий тизимида муҳим аҳамият касб этадиган орган — Бутунхитой Халқ сиёсий-маслаҳат кенгаши қўмитаси раиси лавозимига эса Цзя Цинлинь сайланди. Дэн Сяопин ишининг давомчиси, изчил ислоҳотчи, учинчи авлод вакилларидан иборат раҳбарлик сардори Цзян Цземинь ўтган йилнинг ноябрида партиянинг биринчи ва шу йилнинг март ойида давлатнинг биринчи раҳбари лавозимларидан кетган бўлса-да, Марказий Ҳарбий Кенгаш раиси лавозимида қолди. Мамлакат ҳаётида бу ҳам таъсирчан тизим. Чунки мамлакатнинг қарийб икки ярим миллионлик армиясини шу тизим назорат қилади. Демак, Цзян Цземиннинг бой тажрибаси ва катта обрўси муҳим қарорлар қабул қилишда ҳали асқотади.

Хитой Халқ Республикасининг янги раиси Ху Цзинтао 1942 йилда Шарқий Хитойдаги Аньхой вилоятида туғилган. У 1965 йилда Пекиндаги «Цинхуа» университетини битирган. Мутахассислиги муҳандис. Дастлаб Ганьсу вилоятида ГЭС қурилишида ишлади. Партиявий фаолиятини 1964 йилда бошлади ва 1982 йилдан раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. Дэн Сяопиннинг қўллаб-қувватлаши натижасида турли мансаб-мартабаларга эришди. Кейинчалик эса Цзян Цземиннинг раҳбарлигида ишлади. 1998 йилда Хитой парламентининг биринчи сессиясида Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари этиб сайланди. Олтмишдан ошаётган бўлишига қарамай, у мамлакатнинг юқори лавозимдаги раҳбарлари орасида энг ёши ҳисобланади. Ху Цзинтао ислоҳотларнинг ҳамда очиқ мулоқотларнинг изчил тарафдори.

Ҳеч қандай кутилмаган ҳолатлар ва вазиятларсиз, кейинги бир неча ўн йилликда шаклланган анъанага кўра раҳбарликда авлодларнинг бундай тинч ва табиий алмашинуви, сўзсиз, мамлакат тараққиётига, айниқса, иқтисодий юксалишига, халқнинг турмуш даражаси ошишига, сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил давом этишига, шунингдек, ташқи сиёсатда мўътадилликни ва очиқликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги Хитойда иқтисод мафкурага боғлиқ эмас. Бугунги Хитойда мафкура ташқи сиёсатнинг йўналишини белгилаб бермайди. Бугунги Хитой озиқ-овқат масаласи ҳал қилинган, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланган, замонавий шаҳарлари, осмонўпар бинолари, супермаркетлари, хизмат кўрсатиш шахобчалари Европаникидан қолишмайдиган мамлакат.

Бугунги Хитой жаҳондаги тараққий этган давлатлар билан мустаҳкам иқтисодий интеграцияга киришган. Мамлакат аҳоли сони ҳисобига чет эл инвестицияларини жорий этиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Хитой ҳар йили четга 46 миллиард долларлик маҳсулот сотмоқда. Нафақат инвестиция сиёсатида, балки савдо-сотиқда ҳам АҚШ, Буюк Британия, Франция каби давлатлар бу мамлакатнинг энг янги ҳамкорлари ҳисобланади. Бугунги Хитой Жаҳон Савдо Ташкилотининг аъзоси ҳамдир.

Янги раҳбарият олдида мамлакатда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Дэн Сяопиннинг ислоҳотлари бошланганига 20 йил бўлди. Бу даврда фақат олға қадам ташланди. Хитой яна 20 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб тўрт баравар оширмоқчи. Демак, ички ва ташқи бозорни янада шиддатлироқ забт этмоқчи. Ҳозир мамлакатда ҳар йили иқтисоднинг 7-8 фоиз ўсишини таъминлаш учун кураш боряпти. Бундан кейин ҳам ислоҳотлар изчиллиги таъминланиб, белгиланган улкан режалар бажарилиб, буюк қўшни давлат ва бунёдкор хитой халқи янгиданянги ютуқларга эришишига ишончимиз комил.

Иброҳим НОРМАТОВ

янги босқич

«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги (2003 йил, 24 март) Фармон моҳияти ҳақида мулоҳазалар

— Фармонда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида қишлоқ хўжалигининг устувор йўналиши бўлган пахтачиликни, ғаллачиликни, чорвачиликни, сабзавот, полиз экинларини, мева ва узумчиликни ривожлантириш бўйича ҳамда ер, сув, ўрмон бойликларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга мўлжалланган қатор кенгашлар тузиш айтилган. Шу кенгашлар фаолияти қандай йўлга қўйилиши хусусида гапириб бермангиз...

— Бу кенгашлар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, барча қийинчиликларни кўрган, кўзи пишган мутахассислар, пахтакорлар, чорвадорлар, сабзаводкорлар ва соҳибкорлардан тузилиши белгилаб берилди. Хўш, уларнинг вазифалари нималардан иборат? Булар қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарадорлигини ошириш, янги тараққиёт йўлларини белгилаш бўйича тавсия ишлаб чиқиш, селекция, уруғчилик бўйича устувор йўналишларни аниқлаш, олдимизда турган муаммоларни ечиш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш, сув таъминоти ҳамда об-ҳаводан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудуд учун экин турларини танлаш ва уларни ҳудудларга қараб мақсадга мувофиқ жойлаштириш бўйича фикрлар тайёрлаш билан шуғулланиш... Шунингдек, сув, ер, ўрмон бойликларидан самарали фойдаланиш, маҳсулдорлик ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш усул ва йўлларини аниқлаш масалалари билан ҳам машғул бўлиш...

Умид қиламизки, бу кенгашлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг янги ривожланиш босқичида ўз сўзини айтади.

— Фармонда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда уларнинг вилоятлар ва туманлардаги бошқармаларининг янги Низомларини тайёрлаш лозимлиги ҳам айтилди...

— Аввало, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоятлар ҳамда туманлардаги бошқармалари Низомида давлатнинг аграр сиёсатини амалга ошириш бўйича вазифа ва тушунчалари бошқарувнинг ҳар бир бўғини учун аниқ ажратиб берилмаганлиги ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги тараққиётига тўғаноқ бўлаётганлиги сезилиб қолди. Вазирликда ҳам, вилоят, туман бошқармаларида ҳам айрим консерватив раҳбарларнинг **юқоридан туриб буйруқ қилишлари, қуйи ташкилотлар — ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларига уни эк, буни эк, деб топшириқ беришлари, ҳар хил ҳисоботларни сўрайверишлари замон талабларига жавоб бермаслигини ҳаёт кўрсатди.** Шу сабабли юқоридаги камчиликларни инобатга олган ҳолда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бошқармаларининг янги таҳрирдаги намунавий Низомларини ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берилди. Бир пайтнинг ўзида фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ширкатининг янги намунавий Низомларини тайёрлашга ҳам киришилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган мажлисида республикамизда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг миқдори ривожланган мамлакатлар билан таққосланганда юқори эканлиги таъкидлаб ўтилди. Янги Фармон муносабати билан қишлоқда тармоқ билан банд бўлган ишчи кучлари миқдори камайиши керак, албатта. Лекин уларни янги иш жойлари билан таъминлаш учун ҳозир қандай тадбирлар белгиланяпти?

— Юртбошимизнинг 2003 йил 28 февраль куни Оқсаройда бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда бу муаммонинг ечимига яна бир бор алоҳида урғу берганлигини биласиз. Ҳозир нуфузли мутахассислар гуруҳи Фармондан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини яратиш бўйича иш бошлади. Шунга биноан мамлакатимизда минглаб, ўн минглаб фермер хўжаликлари тузилади. Масалан, шу йилнинг ўзида республикада қишлоқ хўжалиги самарадорлигини таъминлай олмаётган 177 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар асосида мингдаб мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Ўз-ўзидан равшанки, янги шароитда илгари ўн-ўн беш нафар одам қўл учида, ўзларини ортиқча қойитмай, уринтирмай бажариб келган ишларни, уларнинг ярми, ҳатто ундан ҳам камроғи бажариши мумкин бўлади. Натижада, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг катта қисми бу соҳада ортиқча бўлиб қолади. Бу кишиларни иш билан таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган катта муаммо бўлиб, бунга ҳукумат махсус тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир вилоятда, туманда, хўжаликда қишлоқ хўжалигидан чиқиб келаётган ишчи кучларининг сонини аниқлаш, уларни иш билан таъминлаш, ўн минглаб, юз минглаб ишчи ўринларини ташкил этиш устида бош қотирмоқдалар.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат кўплаб кишиларнинг ишсиз қолишининг олдини олади. Яъни уларни қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган сервис хизматига, ишлаб чиқаришнинг янги-янги соҳаларига жалб этиш билан ишсизликни бартараф этиш имкониятлари яратилади.

Булар ҳали қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар даврини бошлаб берувчи янги Фармоннинг айрим жиҳатларигина холос. Аслида шу нарса аниқ-равшанки, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш йўлида белгиланган бу чора-тадбирларни изчил амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Суҳбатдош: Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

● МУНОСАБАТ

Халққа эмас, зулмкор тузумга қарши

Хизмат тақозоси билан меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида ва маҳаллаларда бўлиб, кўплаб тадбирларда иштирок этишга тўғри келади. Айни пайтда даврадардаги суҳбат мавзуси халқаро ҳаётга, аниқроғи, Ироқ атрофидаги воқеаларга қаратилади. Фуқароларимиз АҚШ бошлиқ коалиция кучларининг Ироқ маъмуриятини қуролсизлантириш борасидаги ҳарбий ҳаракатлари ва бу борада Ўзбекистон ҳукумати юритаётган сиёсат тўғри эканлигини қайд этмоқдалар.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, айни пайтда ушбу мавзуда тарқатилаётган ахборотлар кўлами ва йўналиши шунчалик кўпки, бу баъзан фикрни чалғитишга сабаб бўлмоқда. Бундан манфаатдор айрим «билағонлар» эса воқеликни нотўғри талқин этишга уринмоқда.

Ҳаётда бирон-бир воқеаҳодиса, аниқроғи, муаммо ўз-ўзидан бир кунда пайдо бўлмайди. Ироқ муаммоси ҳам бугун ёки кеча юзага келиб қолган эмас. 12 йилдирки, бу масала халқаро миқёсда муҳокама қилинмоқда. 1991 йилдан буён Хавфсизлик Кенгаши томонидан Ироқни қуролсизлантиришга даъват этувчи 13 та резолюцияси қабул қилинди. Саддам Ҳусайн эса бу ҳужжатларга эътибор ҳам бермади. Ироқ 1980 йилдаёқ Эронга қарши урушда ўзининг кимёвий қуролини ишлатган эди. Саддам Ҳусайн кейинроқ кимёвий қуролларни ўз ҳудудида яшовчи қурдларга нисбатан ҳам ишлатди. Бир неча ўн минг киши ҳалок бўлди, атроф-муҳитга катта зарар етказилди.

Бу қуроллар халқаро террорчилар қўлига тушиб қолиб, инсоният бошига даҳшатли воқеалар тушмаслиги учун иттифоқчи кучлар Саддам Ҳусайн режимига қарши ҳарбий амалиётлар олиб бормоқда.

Бу ҳаракатлар айрим кимсалар талқин қилаётганидек ислом динига, мусулмонларга қарши эмас, балки куч — қурол-яроғда, деб биладиган, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларини назарписанд қилмаган Ироқ маъмуриятига қарши ҳаракатдир. Дунёдаги 45 дан ортиқ давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам коалиция кучлари ҳаракатини қўллаб-қувватламоқда. Чунки мутаассиблар, халқаро террорчиларнинг гумаштаси ҳаракатидан Ўзбекистон ҳам азият чеккани ҳаммамизга маълум.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одам ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани халқимиз хотирасидан ҳали ўчмаган ва ўчмайди ҳам. 2000 йилнинг ёзида террорчи тўдаларнинг чегараларимизга суқилиб кириб, Ўзбекистон озодлиги ва тинчлигига раҳна солишга уринганлари ҳам кечагидек эсимизда.

Толибонлар етакчиси Муҳаммад мулла Умар 2001 йил май ойида Ғарб матбуоти вакилининг «Келгусидаги режаларингиз қандай?» деган саволига «Аллоҳ насиб этса, Бухорони забт этиб, рўза намозини у ерда ўқиш» деб жавоб қайтаргани, улар ўша пайтда Афғонистонда ўрнатган ўрта асрларга хос тартиб-қоидаларини бизнинг юртимизда ҳам жорий этишни мақсад қилиб қўйганликлари нафратимизни қўзитган эди. Хайриятки, толибонларнинг жирканч ниятлари амалга ошмади.

Бугунги кунда Афғонистонда ҳаёт босқичма-босқич изга тушаётгани бундан биринчи навбатда афғон халқининг ўзи, қолаверса, минтақадаги давлатлар ва бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатдор бўлаётгани маълум. Бу Иттифоқчи кучлар саъй-ҳаракатларининг натижаси эканлигини жаҳон аҳли билиб-кўриб турибди.

Ўша пайтда ҳам айрим кимсалар АҚШ афғон халқига, ислом динига қарши уруш очди, уни қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон муайян давлатлар томонидан тазйиққа олинади, деб башорат қилган эди. Аксинча, республикамиз ташқи сиёсати билан ҳисоблашаётганлар сони кўпайиб, нуфузига нуфуз қўшилди.

Дунёдаги етакчи давлатлар, шу жумладан, АҚШ ҳам Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларациясини қабул қилди.

Дунёвий хавф-хатарларни бартараф этиш, оммавий қирғин қуролларини камайтириш, халқаро терроризм ўчоқларини тугатиш йўлида саъй-ҳаракатлар бошланган бир пайтда Ўзбекистоннинг бу масалага бефарқ қараб туриши мумкинми? Шахсан мен Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида Ироқнинг сўзсиз қуролсизланиши тарафдориман.

Президентимизнинг Наврўз куни журналистлар билан қилган мулоқотида айтган Ироқ атрофидаги воқеалар ва унда Ўзбекистон ҳукуматининг расмий нуқтаи назари тўғрисидаги фикрлари авваламбор дунёда террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, қуролланиш пойгасига чек қўйишдек ҳаётий масалаларни қамраб олди. Юртбошимиз сўзларининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар ислом динига ёки мусулмонларга қарши эмас, балки халқаро ҳамжамият билан ҳисоблашмайдиган Саддам Ҳусайн режимига қарши қаратилганлигини, ҳарбий ҳаракатлар якун топгач, биринчи навбатда Ироқ халқи тоталитар тузумдан халос бўлиб, очиқ демократик давлат барпо этишга киришиши, бундан минтақадаги давлатлар ва бутун дунё ҳамжамияти манфаатдор бўлишини тушунмоғимиз лозим.

Маматқул РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби

Ҳарбий харажатлар оширилди

Буюк Британиянинг молия вазири Гордон Браунннинг маълум қилишича, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун харажат 1,75 миллиард фунтдан 3 миллиард фунтга оширилди. Бу ҳақда Британиянинг Sky News телеканали хабар тарқатди.

Маълумки, ҳафта ўрталарида АҚШ Президенти уруш харажатлари учун 74,7 миллиард доллар ажратилишини сўраб, мамлакат Конгрессига мурожаат этган эди. Шундан сўнг Британия ҳам уруш харажатлари учун ажратиладиган маблағни оширишга қарор қилди.

Гордон Браунннинг айтишича, Ироқ халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун яна 120 миллион фунт керак бўлади.

Нежеф қуршовга олинди

New York Times газетаси хабар беришича, Америка аскарлари Фурот дарёсининг бир неча кўприкларини эгаллагач, Бағдоддан 130 километр узоқликдаги Нежеф шаҳрини қуршаб олдилар.

«Биз шаҳарни қуршаб олиб, бу ердаги ҳарбий гарнизонни Ироқ армиясининг асосий кучларидан узиб қўйдик», дейди дивизия қўмондони, генерал-майор Бьюфорд Блаунт III.

Америка разведкасининг маълумотларига кўра, шаҳарни тахминан мингга яқин Ироқ милиция мудофаа қилмоқда.

Қум бўрони тинмоқда

Ироқда бир неча кундан бери давом этаётган қум бўронлари ниҳоят тинаяпти. Бўрон нафақат иттифоқчилар авиацияси, балки қуруқликдаги пиёдаларнинг ҳам ҳаракатини қийинлаштириб қўйган эди.

Associated Press тарқатган маълумотларга кўра, иттифоқчиларнинг катта қўшини ва бронетехника колоннаси Бағдодга қараб ҳаракатланмоқда. Колоннанинг узунлиги олти қаторлик йўлда 16 километрга чўзилган.

Разведка маълумотларида айтилишича, колоннага қарама-қарши йўналишда таркибида мингдан ортиқ бронетехникаси бўлган Ироқнинг республика гвардияси ҳаракатланмоқда.

Таҳлилчилар фикр билдиришмоқдаки, қум бўронлари Бағдод мудофаасини қайта ташкил этиш учун жуда асқотган. Энди эса қум бўронлари тиниб бормоқда. Бу коалиция кучлари учун айни муддао.

Болалар ва аёллар ҳам...

Носирия кўчаларидан биридаги жангда Американинг 25 нафар денгиз пиёдаси яраланди. Бу ҳақда Associated Press агентлиги хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, жангда ироқлик болалар ва аёллар иштирок этган. «Ироқлик болалар ва аёллар (уларга Ироқ ҳарбийлари қурол тарқатган) кўчада кетаётган денгиз пиёдаларига қарата ўт очишди. Шунда улар ҳам жангга киришишга мажбур бўлишди» дея ҳикоя қилади тўқнашув марказида ҳозир бўлган журналист Кэйт Гарвин. Жанг 2 соатга яқин давом этган. Ироқ томонидан қанча йўқотиш бўлгани номаълум.

Инсонпарварлик ёрдами

Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами етиб кела бошлади. Умм-Қаср портидан унча узоқ бўлмаган Сафван шаҳри аҳолисига сув, озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказилди. Ёрдам Америка аскарлари қўриқчилигида Ал-Қувайтдан қуруқлик орқали олиб борилди. Бундан ташқари Оммон шаҳридан ҳам 10 тонналик тиббий анжомлар ортилган автоколонна йўлга тушган. Бу «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотининг ёрдамидир.

200 тонна озиқ-овқат, 90 тонна ичимлик суви ортилган ёрдам ҳам Умм-Қаср портига Британиянинг «Сэр Галахад» кемаси орқали етказилди.

БМТнинг озиқ-овқат дастури маълумотларига кўра, дейилади BBC ахборотида, Ироқ аҳолисининг 60 фоизи уруш бошланмасидан аввал ҳам ёрдамга муҳтож эди. Бугунги кунда Ироқ аҳолисининг кўпчилигида бир ойга етар-етмас озиқ-овқат заҳираси қолган, холос.

Расмий қайд этилди

Пентагон Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида шу кунгача 24 Америка аскари ҳалок бўлганини расмий тан олди, дея хабар беради Reuters агентлиги. Аслида жангда ҳалок бўлганлар 19 нафарни ташкил этади. Қолганлари, яъни 5 нафари бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмган.

7 аскар асирга тушган, 10 нафари дом-дараксиз йўқолган, 28 нафари яраланган.

Британия қўшинларидан эса 22 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Коалиция кучлари шу кунгача 3 мингдан ортиқ Ироқ ҳарбийларини асирга олган.

«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖнинг

2003 ЙИЛ 14 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН 2002 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИДА ҚУЙИДАГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

1. «Бектемир Универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил иш фаолияти якуни юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. «Бектемир Универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи (баланси) тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2002 йил якунлари бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тасдиқлансин (умумий мажлис ўтган кундан 60 кун муддат ичида дивиденд тўловлари амалга оширилсин).

Амалда олинган соф фойда 24 852 800 сўм.

Шундан жамиятни ривожлантириш фондига 5 фоиз, яъни 1 242 640 сўм

Жамият заҳира фондига 5 фоиз, яъни 1 242 640 сўм.

Дивиденд учун 90 фоиз — 22 367 520 сўм.

Дивиденднлар тақсимланиши қуйидагича: 22367520:322006= 69 сўм 46.

Бир дона акцияга 69 сўм 46 тийин (солиқ тўлови бир дона акцияга 10 сўм 42 тийин.) Солиқ ундирилиб бўлгандан сўнг бир дона акцияга 59 сўм 04 тийин бўлди.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Аудит-гуруҳ» фирмаси тасдиқлансин.

8. Жамият Тафтиш комиссиясининг янги аъзолари тасдиқлансин.

Раҳимов М., Қаюмова М., Икромов Д.

9. Жамият Кузатув Кенгашининг 2002 йил фаолияти қониқарли деб қабул қилинсин ва Кузатув Кенгаши эски таркибда қолиши тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг 1997-1999 йилларидаги депонентдаги 133,3 минг сўм дивидендлар ривожлантириш фондига ўтказиш тасдиқлансин.

11. Холметов Баҳодир Холметович жамият бошқаруви раиси этиб 1 йил муддатга сайлансин.

11.1. Жамият бошқаруви раиси билан Кузатув Кенгаши ўртасидаги шартнома 2003 йил учун қайтадан тузилсин.

12. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган «Бизнес режаси» тасдиқлансин.

13. Жамиятнинг Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқлансин.

14. Жамият бошқаруви раиси Б.Холметовга мазкур мажлис қарорлари бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

«Бектемир Универсал бозори» ОАЖ Кузатув кенгаши

Излангага имкон кўп

ёки қўшимча иш жойлари яратиш, бунинг учун энг кичик имкониятлардан ҳам унумли фойдаланиш, шубҳасиз, ижобий натижалар бериши ҳақида

Беруний туманидаги «Шоббоз» ширкат хўжалиги Тошкент-Нукус магистраль йўлининг шундоқ ёқасида жойлашган.

Хўжалик Қорақалпоғистонда ўзининг меҳнаткаш одамлари билан машҳур. Айтишларича, шоббозликлар «эртага барибир кийиш учун вақт сарфлашим керак» деб, этикларини ҳам ечмай ухлашаркан. Бу гапнинг рост-ёлғонлигини билмадигу, аммо улар вақтнинг ҳар дақиқасини жуда-жуда қадрлашади. Бу рост.

— Ўтган йили сув танқислиги туфайли пахтачиликдан фойда ололмадик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Қўзибой Рейимбоев. — Fаллачиликда эса хирмонимиз чакки бўлмади. Шартномадаги 330 тонна ўрнига 440 тонна буғдой етиштирдик. 44 гектар боғ ҳам одамларнинг кунига яраб турибди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги меҳнатга яроқли 6 мингдан зиёд аҳолининг атиги 1100 нафари ширкатда иш билан банд, қолганлари эса... Бу, албатта, «Шоббоз»да иш ўринлари муаммо эканлигидан сўзсиз далолат. Аммо, бу муаммо иложи борича, ширкатнинг ўзида ҳал қилинишига эришилмоқда. Қаловини топса қор ҳам ёнади-ку.

Ўтган йилнинг ўзида юзта деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга қўшимча ер ажратилди.

Ширкат ҳудудида хусусий тадбиркорлар очган тўртта сартарошхона, иккита гўшт дўкони, тўртта ошхона ва чойхона, иккита автомобилларга хизмат кўрсатиш шахобчаси, иккита ҳаммом ишлаб турибди.

Шоббозда раҳбарлар ҳам, оддий кишилар ҳам «иш йўқ, кун кўриш қийин» деб нолиб ўтиришни ёмон кўришади. Иш ўринларини ўзлари яратишади, кези келганда бир сиқим тупроқни ҳам пул қилишади. Ёз ойларида шаҳарликлар ҳам, қўшни ширкатлар ҳам ғишт харид қилиш учун шу ерга келишади. Сифатли ва арзон ғиштлар жуда харидоргир. Туманнинг қурилиш ашёлари бозорига уй қуришда ишлатиладиган қамиш плиталарни ҳам шоббозликлар етказиб беришади.

Шоббозликлар пешона тери билан топилган пулни ўйлаб сарфлашади. Олма опа деган онахон бор — пазанда, ошпаз. Турмуш ўртоғи Асқар ака тракторчи, дурадгорликдан ҳам хабардор, ўғиллари қўли гул мебель усталари бўлиб етишдилар. Улар ясаган мебеллар аввал ўз қишлоқларида, кейин туманда машҳур бўлди. Олма опа ўғиллари топган пулга ҳашаматли уй эмас, данғиллама гузар қуришни бошлади. Икки қаватли қилиб пишиқ ғиштдан ошхона қурди, тўй ўтказишга мўлжалланган зали ҳам бор. Бир тўйда ҳамқишлоқлари «тўйхона сал торлик қиляпти» дегандай бўлишувди, опа ёнма-ён яна битта шундай икки қаватли иморат қурди, тўй ўтказиш учун учта катта зали бор.

Шу кунларда «Шоббоз» далаларида иш қизғин. Ерлар экишга тайёрланяпти. Деҳқоннинг бахтига бу йил сув мўл. Мутахассислар сувнинг йил бўйи сероб бўлишини айтишяпти. Шоббозликлар учун шунинг ўзи етарли. Қўлларидан келадиган иш — тинимсиз меҳнатни канда қилишмайди. Обҳаво яхши келса бўлгани — пахтадан ҳам, буғдой, қовун ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олиниши аниқ.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА

Маънавий-маърифий тадбирлар

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Ироқ атрофидаги вазият: таҳлил ва муносабат» мавзуида очиқ мулоқот ўтказди. Унда маҳалла фаоллари, ўқув юртлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарияти вакиллари, ширкат хўжаликлари аъзоларидан иборат 500 га яқин киши иштирок этди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, халқаро шарҳловчи Қуддус Аъзамов, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев, Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоир, туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев, Салар шаҳарчаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озода Шукурова, Олий Мажлис депутати, доцент Асадулла Абдураҳмонов, Қибрай шаҳридаги Фурқат маҳалласи оқсоқоли Толиб Тўраевлар йиғилганларга Ироқ атрофидаги вазият юзасидан Ўзбекистон давлати тутган позиция моҳиятини тушунтирдилар ва кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходимлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ҳам худди шундай давра суҳбати ўтказди.

✧✧✧

Мустақил Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Лекин замон ҳар доим ўқиш-ўрганишни, муттасил янгиланишни талаб этади.

Шуни инобатга олиб, Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги номенклатурага киритилган раҳбарлик лавозимларига заҳирага олинган кадрларни ўқитиш курсини ташкил этди.

Бугунги туб ислоҳотлар моҳиятини очиб беришга қаратилган муайян мавзуларни ёритишда республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти масъул ходимлари, шунингдек, шаҳардаги етук мутахассислар жалб қилинди.

Ўқув курси натижаларига қараб, ҳокимлик бундан буён курсда ўқув кунларини кўпайтириш фикрига келди.

✧✧✧

«Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани бўлими Ўзбекистон халқ шоири, академик Fафур Fулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Унда Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев, адабиётшунос Султонмурод Олим, Fафур Fуломнинг қизи Олмос Аҳмедовалар шоир ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган бой меросининг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўзладилар. Туман мактаблари ўқувчилари Fафур Fулом асарлари асосида бадиий чиқишлар намойиш этди.

Мурод ҲОШИМОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Ma'murjon QIYOMOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бирни кессанг, ўнни эк

Бу ва бу сингари бир туркум мақолларда кўчат экиш, боғ қилишга тарғиб этилади: «Бир дарахтдан ўн бўлур, ўнтасидан — ўрмон», «Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк», «Боғбоннинг тол эккани — ўзига ном эккани», «Кўчатни ким экса, соясида ўша ўтиради», «Соя экмаган салқинда ётмас», «Бўстон бўлса боғинг, булбул бўлур қўноғинг» (Бу билан: «Боғингни обод қилиб мевазор, гулзор бир бўстонга айлантирсанг, ҳузурингга яхши дўстлар келиб, азиз меҳмонинг бўладилар, бу қилган хайрли ишларинг билан уларнинг олқишига сазовор бўласан», дейилмоқчи), «Бир йил тут эккан, юз йил гавҳар терар», «Олтмишингда олма эксанг, етмишингда емишин ерсан», «Тўқсонга борсанг ҳам ток эк, юзга етгунча узумин ейсан».

Бировнинг иши — кўнгилнинг хуши

Вар.: «Бировнинг ишига бировнинг қўли саратонда совқотибди», «Бировнинг ғами эрта кирса, кеч чиқар», «Бировга қолган кун — тонг отмаган кун». Маъноси: «Бировга орқа қилмасдан, ўз ишингни ўзинг қил. Биров сенинг ғамингни емайди, ўзининг ташвишлари ҳам ўзи учун етарли. Сенинг ишингни вақт топса, ҳафсала қилса, хушига келсагина қилиб беради, бўлмаса йўқ. Бунинг учун ундан хафа бўлма, гина қилма. Ўз тирикчилигингни ўзинг ўтказиш ҳаракатида бўл», дейилмоқчи.

Бой бойга боқар, сув сойга оқар

Бу мақол жуда қадим-қадим замонларда пайдо бўлган.

«Ноинсоф мулкдорлар, бойлар меҳнаткаш халқни эзиб ишлатиш, талаш, қийнаш, ўзлари учун тобора яхшироқ яшаш шароитларини яратиш, кўпроқ мол-дунё орттириш йўлида бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, бир-бирларининг ёнларини оладилар», деган маънони ифода этувчи бу мақолнинг бир неча варианти бор: «Бой ҳам бойга, Худой ҳам бойга», «Бой бойга тиришар, камбағал камбағалга бўлишар», «Бойнинг эшигини бой очиб, бойвачча бекитади», «Авлиё ўз ченини қўллайди» (чен — теварак-атроф, туташганлик, яқинлик), «Султон суягин хўрлатмас». Халқ орасида юқоридаги мақол: «Сув сойга оқар, пул — бойга» тарзида ҳам ишлатилади.

Бир яхшига — бир ёмон

Бу мақолни кўпроқ эр-хотинларга нисбатан қўллайдилар. Эр-хотиннинг бири яхши-ю, бири ёмон бўлса кун кечириб кетишлари мумкин. Бирининг ёмонлигини бири кечирмаса, бири енгиллик қилганда бири оғирлик қилмаса, турмуш бузилади. Мақолни айтганда ана шуни эслатиб ўтадилар. Вар.: «Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор, икки ёмон бир бўлса, кун қайда бор?!»

Бир қизга етти қўшни ота-она

Маъноси: «Қиз ахлоқ-одоби, иффати билан гўзалдир. Унинг бундай фазилатларга эга бўлиши биргина ота-онанинг эмас, балки кўпчиликнинг тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, бир қизга атрофдаги қўни-қўшнилар ҳам мураббийлик қиладилар ва шундай қилишга уларнинг ҳақлари ҳам бор».

Фермерлар ўқув машғулоти

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида USAID ташкилоти томонидан Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари аъзолари учун ўтказилаётган ўқув машғулотлари давом этмоқда

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

АҚШ халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилаётган Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури (NRMP) Хоразм вилояти фермерлари учун «Чигитни экишга тайёрлаш ва тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш чоралари»га бағишланган тренингларини ўтказди. Ушбу ўқув курсларида фермерларга пахта етиштиришни кўпайтириш ва у билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтиришга ёрдам берадиган илғор бошқарув услублари намойиш қилинди.

Ушбу ўқув дастури NRMP томонидан хўжаликларда сувдан фойдаланишни яхшилаш ва Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини (СФУ) ривожлантиришга бағишлаб ўтказаётган туркум ўқув дастурларидан биридир. Дастурларни бошлашдан олдин NRMP мутахассислари энг долзарб мавзуларни аниқлаш учун фермерлар орасида махсус сўров ўтказиб, шу асосда ҳар бир минтақа талабларига жавоб берадиган алоҳида ўқув дастурини ишлаб чиқишди.

Ушбу машғулотлар давомида Амир Темур номидаги СФУ аъзолари ва Хоразм вилоятининг бошқа СФУ вакиллари тупроқ шўрланишининг ўсимликлар ривожига ва ҳосилдорликка етказаётган салбий таъсирини ҳамда шўрланиш даражасини пасайтиришга қаратилган чораларни муҳокама қилишди. Тупроқ шўрини қиш фаслида ювишнинг илмий асосланган услубларига алоҳида эътибор қаратилдики, бунда фақат шўрланиш тестининг юқори кўрсаткичлари мавжудлигидагина ювиш тавсия этилади. Ушбу услублар тупроқ шўрланишини пасайтиришга ёрдам бериб, шу билан суғориладиган ерларнинг асосий муаммоларидан бирини бартараф этишга кўмаклашади.

Қатнашчилар, шунингдек, чигитни экишга тайёрлаш, чигитни туксизлантириш услубларини ўрганишди. Туксизлантирилган чигит бир текис ва эрта униб чиқади, ўз навбатида пахта ҳосилдорлиги ҳам ошади.

1 га. ерга 60-70 кг. тукли чигит ўрнига 12-15 кг. туксизлантирилган чигит тавсия қилинади. Бу ҳам фермер, ҳам давлат манфаатларига хизмат қилади. Чунки тежалган чигитдан ёғ ва чорва учун озуқа ишлаб чиқариш мумкин.

Алимбек ТОШБЕК

ИНТЕР-СПОРТ

Сандерс Кличкони яна «синдирмоқчи»

Германияда истиқомат қилаётган украиналик боксчи Владимир Кличко Жанубий Африка спортчиси Кори Сандерс билан бўладиган матч-реваншга тайёргарлик кўрмоқда. Маълумки, 8 март куни Владимир Кори билан жангнинг 2-раундида нокаутли зарба олиб, чемпионлик унвонини бой берган эди. Жанубий африкалик боксчи мағрур оҳангда: «Владимир Кличконинг номини жаҳон унутиб юборадиган даражада жанг қиламан. Леннокс Льюис ҳам менинг бу ҳаракатимни давом эттирса ажаб эмас», демоқда. Владимир эса бундай ҳақоратомуз муносабатга парво қилмай турибди. Унинг фикрича, Сандерс билан бўладиган такрорий жангда ўзини яна ўнглаб олиши мумкин экан.

Зидан Франция футболчилари сардори бўлади

Машҳур Зайниддин Зидан «Европа-2004» чемпионати саралаш баҳсида Франция жамоасининг Малта ўйинчилари билан учрашувида жамоадошларига сардор сифатида майдонга тушиши кутилмоқда. Бу ҳақда Франция терма жамоасининг бош мураббийи Жак Сантин шундай фикр билдирди. Мураббийнинг айтишига қараганда, Зидан жамоадошлари ўртасида ўзига хос нуфузга эга. Албатта, 30 ёшли Зидан терма командани 3 марта сардорлик боғичи билан майдонга олиб чиққан. Франция — Малта учрашуви эса бугун Ланс шаҳрида ўтказилади.

Роналдо «энг яхши...» номга даъвогар

«Формула-1» тимсолидаги беш марта жаҳон чемпиони Михаил Шумахер, беш марта олимпия чемпиони (биатлон) норвегиялик Уле Эйнар Бьорндален, америкалик велопойгачи Лэнс Армстронг, гольфчи Тайгер Вудс ҳамда Мадриднинг «Реал» жамоаси ҳужумчиси Роналдо ўтган йилнинг энг яхши спортчиси номига асосий даъвогарлар сафидан жой олиб туришибди. Мухлислар билишадики, Роналдо

Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон чемпионатида дарвозага 8 та тўп киритиб, кўпчиликни лол қолдирган эди. Эслатамиз, номдор спортчиларни аниқлашда 75 мамлакатдан 400 нафар журналист қатнашди.

«Реал» Бэкхемни чорламоқда

Мадриднинг «Реал» жамоаси шу йил ёзда қандай бўлмасин «Манчестер Юнайтед»нинг сардори Дэвид Бэкхемни сотиб олмоқчи. Шуни унутмаслик керакки, жаҳон ва Европа чемпионлари бўлган жамоалар бу футболчи учун оз эмас, кўп эмас 40 миллион фунт стерлинг ваъда қилишган. «Реал»нинг спорт директори Хорхе Вальдано эса ўз клубидаги Роналдо, Зидан ва Фигулар сафига Бэкхемни ҳам қўшиш ниятида.

Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети жамоаси ҳуқуқшунослик факультети декани муовини, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент **Дониёр Бердиёрович АҲМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 114-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	88	51	Сони: 1	Сумма:	52	Сумма:	Сумма: 500	23 Тур
76	9	54	Мусиқа маркази	1250000	Сони: 4	1000	18 Тур	68
37	50	40	Чипта	Чипталар	Сумма: 2500	13 Тур	15	Сони: 755
1	11	17	рақами	рақами	9 Тур	55	Сони: 87	Сумма: 200
23	19	53	40013930.3	30017128.2	83	Сони: 8	Сумма: 400	24 Тур
22	25	60	4 Тур	80032362.1	Сони: 5	Сумма: 900	19 Тур	2
87	41	34	7	5 Тур	Сумма:	14 Тур	49	Сони: 1041
36	8	18	62	46	2000	12	Сони: 125	Сумма: 200
39	86	58	5	27	10 Тур	Сони: 6	Сумма: 300	Қўшимча
16	Сони: 1	14	4	Сони: 2	85	Сумма: 800	20 Тур	тур
Сони: 1	Телевизор	72	32	Сумма:	Сони: 7	15 Тур	28	Сони: 36
Видеомагнитофон	Чипта	44	21	10000	Сумма:	73	Сони: 168	Сумма: 600
	рақами	10	66	6 Тур	1500	Сони: 22	Сумма: 200	Халтадан
Чипта	40039065.3	20	38	43	11 Тур	Сумма: 700	21 Тур	чиқмаган
рақами	3 Тур	64	81	Сони: 3	30	16 Тур	48	шарлар:
60000675.1	33	56	31	Сумма: 5000	Сони: 6	78	Сони: 280	13,
2 Тур	89	74	42	7 Тур	Сумма:	Сони: 27	Сумма: 200	65,
90	63	47	24	75	1200	Сумма: 600	22 Тур	70,
59	69	29	45	Сони: 3	12 Тур	17 Тур	71	77,
3	6	57	35	Сумма: 3000	67	26	Сони: 538	80,
79	61	84	Сони: 2	8 Тур	Сони: 12	Сони: 57	Сумма: 200	82

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 3 апрелдаги 115- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.